

## **БАНКЛАРДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАР БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШНИНГ МОДДИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ АСОСЛАРИ**

**Боймурод Жўраевич АБДУЛЛАЕВ**

таянч докторант

Ўзбекистон Республикаси Судьялар

олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар

олий мактаби

boymurodabdullayev@gmail.com

### **Аннотация**

Мақолада ҳуқуқий таъсир чораларидан бири бўлган банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш асослари, тартиби ҳамда мазкур ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш билан боғлиқ амалий муаммолар таҳлил қилинади.

**Таянч сўзлар:** ҳуқуқий таъсир чоралари, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, солиқ агенти, молиявий ҳисобот, солиқ ҳисоботи, камерал солиқ текшируви, хабарнома, манзилни ўзгартириш.

## **МАТЕРИАЛЬНЫЕ И ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ПРИОСТАНОВЛЕНИЯ ОПЕРАЦИЙ ПО СЧЕТАМ В БАНКАХ**

**АБДУЛЛАЕВ Боймурод Жураевич**

Базовый докторант

Высшая школа судей при Высшем судейском совете

Республики Узбекистан

boymurodabdullayev@gmail.com

### **Аннотация**

В статье анализируются основания, порядок для приостановления операций по счетам в банках, являющихся одной из мер правового воздействия, а также проблемы, связанные с практикой применения данной меры правового воздействия.

**Ключевые слова:** меры правового воздействия, приостановление операций по банковским счетам, налоговый агент, финансовая отчетность, налоговый отчет, камеральная налоговая проверка, уведомление, изменения адреса.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сон Фармони [3], шунингдек 2017 йил 19 июндаги «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик

фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5087-сон Фармонида [4] тадбиркорликка кенг йўл бериш, улар фаолиятига аралашини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналиши ва давлат органларининг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Бугунги кунда аҳолининг катта қисми ўз меҳнат фаолиятини тадбиркорлик субъектларида ходим сифатида амалга ошириб келмоқда, айниқса, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни беқиёс. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан банд бўлган жами аҳолининг 80 %дан кўпроғи фаолият юритмоқда. Мавжуд барча тадбиркорлик субъектларининг 90 %дан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этади, шунингдек, ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 57 % га яқини, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22% ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 % кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келмоқда [12;6].

Юқоридаги ҳолат, тадбиркорлик субъектларига янада кенгроқ имконият яратиш билан биргаликда, улар фаолиятини тартибга солишни ҳам талаб этади. Ушбу тартибга солишда солиқ ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан ҳуқуқий таъсир чоралари кенг қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–3619-сон Фармони билан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди. Мазкур Фармон асосида 5 турдаги ҳуқуқий таъсир чоралари иқтисодий судлар томонидан қўлланилади. Булар қуйидагилар:

- фаолиятни тугатиш;
- фаолиятни тўхтатиб қўйиш;
- банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш;

- молиявий санкцияларни қўллаш;
- ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш [5].

Ҳуқуқий тасир чораларини қўллашнинг зарурати жамиятга зарарли бўлган муайян фаолиятни тугатиш ва унинг ортиқ фаолият юритишига йўл қўймаслик, мажбурият бажарилгунга қадар фаолиятни вақтинча тўхатиб туриш, солиқ мажбуриятини амалга оширишни таъминлаш ва давлатга етказилган зарарни қоплаш ҳисобланади.

Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тадбиркор томонидан тегишли мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш билан бир қаторда давлат манфаатларини ҳам самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига асосан, Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарори электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан

мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилаётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида [1;108].

Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда бир томонда давлат органи, иккинчи томонда эса кўпинча хусусий тадбиркорлик субъекти иштирок этади. Мазкур ҳолат низонинг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқишини билдиради.

Ю.М.Козлов маъмурий-ҳуқуқий низоларга таъриф берар экан, шундай деб таъкидлади: “Улар муайян маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларидан бири томонидан унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ёки бошқача тарзда бошқа томоннинг ҳаракатлари туфайли зарар етказилади деган тасаввурлар туфайли юзага келади деб таъкидлаш учун барча асослар мавжуд” [6;43]. Маъмурий-ҳуқуқий низо деганда муайян маъмурий ҳуқуқий муносабатлар субъектларидан бирининг маъмурий ҳуқуқий

муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ёки тугатилиши учун асос бўлиб хизмат қилган ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан салбий муносабат тушунилади.

Маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар субъектларнинг тенгсизлиги билан тавсифланади – улардан бири ҳар доим иккинчисининг иродасига бўйсунди. Шундай қилиб, Ю.Н.Стариловнинг таъкидлашича, оммавий-ҳуқуқий низоларнинг ўзига хос хусусияти қонун чиқарувчи томонидан белгиланган тенгсизликда, яъни маъмурий ҳуқуқий муносабатларда томонлардан бири ўзининг назорат функцияларини амалга оширишидадир [9;125]. Натижада, ишни судда кўриб чиқишда ҳокимят вакили бўлган шахсга қўшимча ҳимоя кўрсатилади.

Процессуал муносабатларда “Ҳокимият – бўйсунуш” принципи моҳиятини адаштирмаслик ва уни моддий-ҳуқуқий муносабатларга тадбиқ этмаслик керак, чунки судда томонларнинг ҳар бири тенг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга (қонун билан белгиланган истиснолардан ташқари), томонлар хоҳ у давлат органи бўлади, хоҳ жисмоний шахс бўладими, суд олдида тенгдир.

Бундан кўпинча маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни алоҳида тартибга солишнинг ҳожати йўқ деган хулосага келинади. Бу тўғри эмас: агар тарафларнинг тенгсизлиги процессуал ҳуқуқий муносабатлар доирасидан ташқарида қолса, суд улардан бирининг илтимосига биноан қарор қабул қилишдан олдин ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш ва бузилган ҳуқуқни тиклаш имконияти йўқолмаслиги учун ишнинг бошқа томони устидан, яъни ҳокимиятга эга бўлган тарафга қўшимча таъсир кўрсатиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 218-моддасига асосан, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза судга ёзма шаклда берилади ва аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш бўйича ариза киритиш учун назорат қилувчи органлар томонидан аниқланган ҳуқуқбузарлик аниқланганлиги бўйича юридик факт бўлиши талаб этилади. Бирор бир ҳодиса ёки вазиятни юридик факт

деб тан олиш учун, аввало, улар юридик нормалар билан белгиланган ва тартибга солинган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Юридик шахслар ва фуқароларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти назорат қилувчи орган зиммасига юклатилади [2;55]

Исботлаш ва далиллар фуқаролик, жиноий, маъмурий, иқтисодий процессуал ҳуқуқнинг институти эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқдир [7;4].

М.Треушниковнинг фикрига кўра, иқтисодий (арбитраж) суд ишларини юритишда далилларни текшириш ва баҳолаш қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилишнинг энг муҳим босқичларидан биридир. Далилларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги далилларга баҳо беришга таъсир қилади. Далилларни баҳолашда кўриб чиқадиган маълумотлар далил қийматини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси далилларни баҳолаш иқтисодий (арбитраж) судларининг қарорлари ва ҳал қилув қарорлари адолатли қабул қилинишига олиб келади [11;34].

Ҳуқуқшунос олим Э.Эгамбердиев фикрига кўра, маълум ҳуқуқларга эга бўлган шахс ўзига тегишли ҳуқуқларни қонунда белгилаб қўйилган тартибда белгилаб бериш ва уни амалга ошириш учун асос бўлган ҳолатларни тегишли далилларга таянган ҳолда исботлаб, асосламасдан туриб, ўзига тегишли ҳуқуқларни амалга оширолмайди. Айрим ҳуқуқларнинг ҳақиқатан ҳам шахсларга тегишли эканлигини белгиловчи фактлар, албатта, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни исботлашга хизмат қилувчи далиллар негизида текширилиб, исботланиши керак [13;78].

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 219-моддаси биринчи қисми 3-бандига кўра, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризага ушбу Кодекс 151-моддасининг биринчи қисмида назарда

тутилган ҳужжатлардан ташқари банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризага – солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинганлигини ёки солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудларни, биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини киритиш рад этилганлигини тасдиқловчи далил илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекснинг 221-моддаси асосан, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши керак. Буна ариза судга келиб тушганидан кейин камида бир ойдан сўнг кўриладиган молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги ишлар мустасно.

Суд ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда суд мажлисида: ҳуқуқбузарлик ҳодисаси бўлган-бўлмаганлигини ва унинг содир этилганлиги фактини; текшириш учун ва текшириш натижалари бўйича далолатнома ёки бошқа ҳужжат тузиш учун асослар ва назорат қилувчи органнинг ваколатлари бор-йўқлигини; мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган-тутилмаганлигини ва ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун асослар бор-йўқлигини аниқлайди.

Н.В.Сухарева таъкидлаганидек, арбитраж суди қарор қабул қилишда юридик шахс ёки тадбиркорнинг манфаатларини ҳимоя қилса ҳам, пировардида арбитраж суди қонун устуворлигини мустаҳкамлаб, бутун давлат манфаатларини ҳимоя қилади, унинг фикрича, арбитраж судининг асосий вазифаси ҳам шу ҳисобланади [10;46].

Амалиётда бу ҳуқуқий таъсир чораси ҳар доим ҳам солиқчилар томонидан тўғри қўлланавермайди. Хусусан, “Modern Celebartion” МЧЖга 2022 йил 6 май кунида ҚҚС тўловчиси сифатида руйхатдан ўтганлик тўғрисидаги тегишли руйхат рақами бўлган гувоҳнома тақдим этилган. Яъни амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Жамиятда 2022 йил 1 майдан бошлаб ҚҚС тўлаш мажбурияти вужудга

келган. Аммо шунга қарамасдан, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси масъул ходими томонидан Жамият томонидан жорий йил апрель ойи бўйича ҚҚС ҳисобот топширилмаган деган баҳона билан Жамиятнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш бўйича қарор қабул қилинган ва ушбу тўғрисида хабарнома юборилган. Солиқ органи томонидан банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш билан бирга Тошкент туманлараро иқтисодий судига ариза киритилган. Бунга қўшимча равишда, қабул қилинган қарор ноқонуний эканлиги бўйича Жамият вакиллари томонидан ёзма ҳамда оғзаки маълумот тақдим этилганига қарамасдан, солиқ органи ўз қарорини бекор қилмаган.

Натижада Тошкент туманлараро иқтисодий суди ишни судда кўриш учун тайинлади. Судя томонидан Жамиятнинг 2022 май ойида ҚҚС тўловчиси сифатида руйхатдан ўтганлик тўғрисидаги тегишли руйхат рақами бўлган гувоҳнома олганлиги ва мажбуриятнинг айнан май ойидан вужудга келганлигини эътиборга олиниб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 68-моддаси иккинчи қисми, яъни юридик шахслар ва фуқароларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш (бундан буён матнда ҳуқуқий таъсир чоралари деб юритилади) тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти назорат қилувчи орган зиммасига юклатилиши бўйича норма қўлланилиб, аризачи Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси аризасини қаноатлантириш рад этилди.

Солиқчилар томонидан амалда қонунчиликни нотўғри қўлланиши ва давлат органининг суд учун давлат божи тўлаш мажбуриятининг мавжуд эмаслиги, улар томонидан ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилиниши ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келмоқда. Ачинарлиси, ҳозирги кунда баъзи солиқ органлари ходимларининг малакаси етишмаслиги, фуқароларни эшитмаслиги ёки эшитишни истамаслиги натижасида бундай ҳолатлар кўп учрамоқда.



Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 76-моддаси банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишни тартибга солади. Ушбу ҳуқуқий таъсир чораси яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслардан солиқлар, йиғимлар ва жарималарни ундириш учун таъминловчи чора сифатида, шунингдек солиқ ҳисоботлари ўз вақтида тақдим этилмаса ҳам қўлланади [8].

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, амалдаги қонунчиликка қуйидаги таклифларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

*Биринчидан,* Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига асосан, банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш бўйича ҳам солиқ органи раҳбари ва уларнинг илтимосига кўра суд томонидан ҳам қўлланиши мумкин. Мазкур ҳолат бир хил бўлган ваколатнинг такрорланишига олиб келмоқда. Фикримизча, банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор суд томонидан қўлланиш керак. Фақатгина, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) қарорига кўра, кейинчалик ўзининг ҳаракатларини асослаб бериш шарти билан, қўлланиши керак,

*Иккинчидан,* Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси иккинчи қисмида кўра, солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юқоридаги нормани амалиётда қўлланишини таҳлил қиладиган бўлсак, аввал солиқ органи томонидан тегишли қарор қабул қилинади ва бу ҳақида солиқ тўловчига хабарнома юборилади. Ҳуқуқнинг превентивлик, яъни олдини олувчи хусусиятини инобатга оладиган бўлсак, ушбу ҳолатда огоҳлантириш қўлланиши ва солиқ тўловчига тегишли ҳаракатларни амалга ошириш учун оқилона вақт тақдим этилиши вазиятни тадбиркорлар учун ижобий томонга ўзгартирар эди.

*Учинчидан,* солиқ тўловчининг ўзи кўрсатган манзилда йўқлиги учун банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши баъзи ҳолатларда адолатсиз бўлиши мумкин. Чунки, ҳозирги кунда амалиётда кўп

тадбиркорлар ижара асосида ўз фаолиятини юритади. Натижада, уларнинг ўзи кўрсатган жойда ишлаши кўпроқ ижарага берувчи томонидан ҳал қилинади. Тадбиркор ўз фаолиятини айнан ўша тумандаги (айнан ўша маъмурий бирликдаги) бошқа ҳудудда амалга ошираётган бўлиши мумкин, лекин ўз вақтида солиқ органини огоҳлантиришга улгурмаган бўлиши мумкин. Шунингдек, ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз манзилни ўзгартириш фақат солиқ органи томонидан <https://fo.birdarcha.uz/> сайтида таъқиқ қўйилмаган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Яъни, ушбу сайт орқали ёки давлат хизматлари марказига бориб тадбиркорлар манзилни ўзгартирмоқчи бўлса, <https://fo.birdarcha.uz/> сайтидаги “Манзилни ўзгартириш” ойнасида кўпчилик тадбиркорлар учун таъқиқ қўйилган бўлиб, манзилни ўзгартиришда бир неча солиқ турлари бўйича ҳисоботлар топшириш орқали (шарти билан) рухсат берилиши мумкинлиги кўрсатилган. Қизиқарли жиҳати, тадбиркорларга баъзи солиқ турлари бўйича мажбуриятнинг ўзи ҳали вужудга келмаган, баъзилари бўйича эса, солиқ ҳисоботи аллақачон топширилган ва бу ҳолат солиқ органи томонидан тасдиқланган бўлиб чиқяпти. Ушбу вазиятда, манзилни ўзгартиришнинг ягона йўли барча ҳисоботларни “нол” кўрсаткичда (нулевой форма отчёта) бўлса ҳам топшириш ва ваколатли солиқчига қайта-қайта телефон қилиш орқали таъқиқни бекор қилдириш ҳисобланади. Лекин мазкур таъқиқ қўйишнинг норматив-ҳуқуқий асоси ҳозирги кунга қадар солиқ органи томонидан ҳеч кимга тақдим этилмади. Энди уйлаб кўринг, худди шу вазиятда сиз ижара берувчи томонидан ижара объектдан чиқариб юборилдингиз ва бошқа бинони ижарага олдингиз, лекин манзилни ўзгартиришга улгурмадингиз. Чунки, бюрократик тўсиқлар, яъни ҳисоботлар топшириш ва қайта-қайта телефон қилиб таъқиқни ечтиришга кўп вақт кетади. Худди шундай вазиятда, солиқ органи банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб туриш бўйича қарор чиқарса, жуда ачинарли ҳолат юзага келади. Тушунтириб айтадиган бўлсак, ҳуқуқий асоссиз <https://fo.birdarcha.uz/> сайтидаги “Манзилни ўзгартириш” ойнасида таъқиқ қўйилган бўлса ва буни ўзгартиришга анча вақт кетади ва бюрократик тўсиқларни енгишга тўғри келади, айти шу вазият

банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб туриш юзасидан қарор чиқса, тадбиркор қанчалик маънавий ва моддий зарар кўради. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига учинчи қисми 4-бандини бекор қилиш (ўз кучини йўқотиш) керак деб ўйлаймиз.

*Тўртинчидан*, ҳозирги кунда маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг бир қисми маъмурий судларда, бошқа қисми эса фуқаролик судларида, шунингдек ҳуқуқий таъсир чорасига оид ишлар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Мазкур ишларни бирлаштириб турувчи жиҳати уларнинг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқишидир. Шу сабабдан, мазкур ишларнинг барчаси ягона суд, яъни маъмурий ишлар бўйича судлар томонидан кўрилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2018. – 672 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2019. – 370 б.
3. Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрь ПФ-4848-сон Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда; 03.06.2021 й., 06/21/6240/0514-сон//.
4. Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июн ПФ-5087-сон Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 522-модда; 19.02.2022 й., 06/22/75/0150-сон//.

5. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ–3619-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 167-модда.

6. Алёхин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право Российской Федерации: учебник. 2 изд. – Москва: ТЕИС, 1997. – 323 с.

7. Анисимов А.Л. Трудовые отношения и трудовые споры. – Москва: Юстицинформ, 2008. – 192 с.

8. Налоговый кодекс РФ (часть первая): Федеральный закон от 31.07.1998. № 146-ФЗ. Lex.uz

9. Стариков Ю. Н. Административная юстиция: Проблемы теории. – Воронеж: Воронежский гос. Унив., 1998 г., – 164 с.

10. Сухарева Н.В. Сущность административно-правовых споров. // «Юрист». 1999. – № 10. – С.183.

11. Треушников М.К. Судебные доказательства. – Москва: Городец, 2004. – 140 с.

12. Тоғаев С. Тадбиркорлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида. – Тошкент: Ҳуқуқ, 2016. – 153 б.

13. Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари: юрид.ф.д.дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 235 б.